ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1998 йилнинг 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Миллий хавфсизлик кенгашининг Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда ташқи сиёсий фаолиятнинг долзарб масалалари, мамлакат қуролли кучлари қурилиши дастурининг бажарилиши қандай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий барқарорликни ҳамда изчил тараққиётни таъминлаш, мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг турли давлат ва етакчи халқаро тузилмалари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларини ривожлантириш давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган.

Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, давлатнинг ташқи сиёсати мамлакат дахлсизлигига, шу жумладан, минтақа миқёсидаги хавфсизлигига раҳна соладиган жараёнлар ва тенденцияларни бартараф этишга, ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилмоғи лозим.

Давлатлараро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига, транспорт коммуникацияларига, минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлик тизимларига изчил интеграциялашуви мамлакат миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишнинг ишончли омили, деб белгиланди.

Ҳарбий қурилишга доир масала кўриб чиқилиб, Мудофаа вазирлигининг бош штабини Ўзбекистон қуролли кучларининг Бош штабига айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Миллий хавфсизлик концепциясидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига дахл қилиш эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни тўғри баҳолаб, қуролли кучлар таркибини янада такомиллаштириш ва ислоҳ этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***СУРАТЛАРДА:** мажлис пайти.*

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 16 май, шанба • № 58 (22.295).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР КОДЕКСИНИ, «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалийлиги ва самарадорлигини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи ширкат хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларини давлат назоратида ушлаш ҳамда бу муҳим масалани амалга оширишда ўзибўларчилик ва ўзбошимчаликка йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи ширкат хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларнинг амалда бажарилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси Ўзбекистон Республикасининг мазкур қонунларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари лойиҳаларини тайёрлашни бир ярим ой муддатда таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида назарда тутилган тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши тартиби, шарт-шароитлари ва муддатлари кўрсатилсин.

3. Республика комиссияси 1998 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Ердан фойдаланиш ва ер унумдорлигини сақлаш давлат қўмитасини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва мазкур қўмита фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаларини тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юқорида қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 15 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ҳиндистонда туркум ер ости ядро синовлари ўтказилгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш билан кутиб олинди. Бу синовлар жаҳоннинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаларидан бирида, Марказий Осиё давлатларининг жанубий сарҳадларига бевосита яқин жойда амалга оширилгани алоҳида ташвиш туғдирмоқда.

Бу тадбирлар халқаро ҳамжамият аср бўсағасида ядро қуролини ишлаб чиқариш ва тарқатишни тақиқлаш учун изчиллик билан курашаётган бир пайтда амалга оширилди.

Ҳиндистонда ядро синовларининг ўтказилиши Жанубий Осиёда қуролланиш пойгаси кучайишига олиб келиши, бу эса, минтақа доирасидагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи фалокатли ҳамда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистонда оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқаришга сарфланадиган улкан молиявий-иқтисодий ресурслардан минтақадаги мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида фойдаланиш оқилона иш бўларди, деган фикр собитдир.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ташаббускори бўлган Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ядро синовини ўтказишини қоралаб, дунёда ядро қуроли тарқатилишига қатъиян қарши эканлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ҳиндистонни ядро қуролини тарқатмаслик ва ядро синовларини бутунлай тақиқлаш тўғрисидаги шартномаларга тезроқ қўшилиш чораларини кўришга даъват этади.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 15 май.

СИРЛАШУВ

Владимир ПАНОВ олган сурат

СОПОЛ... ТИЛЛОГА АЙЛАНАР

... Хиванинг 2500 йиллик тўйи нишонланаётган кунларда мамлакатимизга хориждан ташриф буюрган меҳмонлар назаридан қочмаган яна бир нарса бўлди — улар Ичон қалъада ташкил қилинган мўъжазгина дўкончадан турли эсдалик буюмлари харид қилишди. Сопол кўза, лаган, бодияларда шаҳарнинг дунёга машҳур меъморий обидалари акс эттирилган, ҳар бир буюмга сополсозлар бутун маҳоратини тўкишганди.

«Хива сополи» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига тўрт йил бўляпти. Ана шу муддатда мулкка муносабат кескин ўзгарди, эндиликда белгиланган иш соатларини бир амаллаб ўтказиб, уйга равона бўлиш эмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига эътибор, харидорлар диди билан ҳисоблашиш таомилга кирди. Корхона бировники эмас, ўзингники, ундаги барча мулк сеники. Силжиш ҳам, депсиниш ҳам — барчага тенг дахлдор, деган тушунчалар пайдо бўлди.

«Пайдо бўлди» эмас, ҳар бир ҳиссадорнинг онгига сингди.

Натижа: ўтган йили режалаштирилган 12.7 миллион ўрнига салкам 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва харидорларга етказиб берилди. Соф фойда 1,6 миллион сўмни ташкил қилди.

Самара: 1996 йил якунларига кўра ҳар бир акция учун 1635 сўмдан дивидент тўланди. (Акцияларнинг бошланғич нархи 225 сўм эди). 1997 йилнинг яхши якунлангани эса навбатдаги дивидентларнинг тағинда салмоқли бўлишини таъминлади.

Имтиёз: ҳиссадорлик жамиятида ошхона ишлаб турибди. Бепул тушлик учун ўтган йили 400 минг сўм харажат қилинди. Нафақага чиқаётган, тўй қилаётганларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Фақат шу мақсад учун йилига юз минг сўм сарфланмоқда.

Савоб: ҳиссадорлар фақат ўзларини ўйлаётганлари йўқ. Ўтган йили спортни ривожлантириш учун Хива шаҳар оғир атлетика федерацияси ҳамда футбол федерацияларига 200 минг сўмликдан зиёдроқ моддий ёрдам берилди. Корхонада ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлик тўгараги учун 600 минг сўмлик турли мусиқа асбоблари харид қилинди.

Ишлар илдам. Ҳиссадорлар хурсанд. Кўнгиллар тўқ. Эртанинг ташвиши йўқ. Негаки, ҳиссадорлик жамияти раиси Шоназар Аҳмедов тиниб-тинчимас, ташаббускор, изланувчан раҳбар. Иш бир дақиқа бўлсин тўхтаб қолиши, хомашё муаммоси йўқ. Маошлар вақтида тўланади.

Негаки, кулол Каримбой Эшчонов, чиннисозлар Феруза Бобожонова, Каромат Аҳмедова, Онабиби Раҳимова, Зеваржон Жуманиёзова, Муяссар Сафоева каби уч юз нафар ҳиссадорлар гўёки бир аҳил оила. Мақсадлари ягона — элюрт фаровонлиги, тўкинлиги...

Негаки, амалдаги йил ҳам яхши бошланди. Ўтган тўрт ой якунлари бунга ёрқин мисол. Ёки эндиликда бир қолипдаги, русумдан чиққан сопол ва чинни буюмларини ишлаб чиқаришдек одатга

Ислоҳот ва масъулият

чек қўйилди. Янгиликларга интилиш, харидорбоп эсдалик буюмлари ишлаб чиқариш ва айни пайтда Хоразмнинг минг йиллик қадим ҳунармандчилигининг машҳур йўл-усулларидан чекинмаслик... Мана иқтисодий ўсишнинг омиллари.

Тўғри, Рим бир кунда қурилмаган. Хива ҳам. Вақт келар, Хива сополсозлари ўз чиннилари билан Машриқ-у Мағрибни забт этарлар, бу ерда тайёрланаётган ҳар бир санъат асари -- сопол, чинни чинакамига тиллога айланар...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Бу дунёнинг ишлари

ҲАРБИЙЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИ

Канада ўзининг Форс кўрфазида турган ҳарбийларини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Канада мудофаа вазири Артур Эглтон «Торонто» фрегати ўзининг доимий турадиган жойи —Галифаксга июнь ойида қайтарилади, деди. Канаданинг «Геркулес» типидаги иккита ҳарбий-транспорт самолёти эса Виннипег шаҳрига етиб келади.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун Тожикистон ҳукумати республика миллий банкидан 1 миллиард тожик рубли миқдорида кредит ажратишни сўради. Тожикистон Республикаси ҳукумати ўзининг яқинда қабул қилган «Тожикистон Республикасидаги табиий офат оқибатларини тугатиш ҳақида»ги қарорини бажаришга киришди. Маълумки, шу йилнинг март-апрель ойларида юз берган сел ва тошқинлар оқибатида ўнлаб кишилар ҳалок бўлган ва минглаб оилалар бошпанасиз қолганди. Мамлакат халқ хўжалигига анчагина зарар етганди.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Истанбулда Каспий нефтини Озарбойжон ва Туркия ўртасидаги Боку -- Жайхон йўналиши бўйича экспорт қилиш мақсадида трубопровод қурилишини бошлаб юбориш юзасидан музокаралар бошланди. Маълумки, Озарбойжон ва Туркия нефть компаниялари ўртасидаги музокаралар илгари ҳам бўлиб ўтган эди. Бу галги музокараларда эса аниқ муаммолар муҳокама этилади.Ушбу қурилишга 3 миллиард АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилмоқда.

КЛИНТОН БЕРЛИНДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон айни пайтда Германияда меҳмон бўлиб турибди. У ўз ташрифи давомида Берлиннинг Темпельхофф аэропортидаги тантанали маросимда нутқ сўзлади. Ташриф давомида Америка Президенти канцлер Коль, Президент Херцог ҳамда ижтимоий-демократик муҳолифот раҳбари Шрёдер билан учрашади.

АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАШ МАҚСАДИДА

Шу кунларда Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз Францияда меҳмон бўлиб турибди. Шуниси ажабланарлики, Франция раҳбарлари уни тантанали кутиб олишди. Энди у мамлакат Президенти Жак Ширак билан учрашади. Форс кўрфазидаги урушлар туфайли тўхтаб қолган икки давлат ўртасидаги муносабатлар яна тикланадиганга ўхшайди. Бироқ, ҳали расмий дипломатик алоқалар ўрнатилгани йўқ. Тариқ Азизнинг нияти -- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини олиб ташлашда Франциянинг кўмагидан фойдаланиш.

ГРУЗИЯГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

1998-1999 йиллар давомида Германия Грузияга ҳаммаси бўлиб 94,74 миллион марка миқдорида кредит ва моддий ёрдам етказиб беради. Бу ҳақда ГФРнинг Грузиядаги элчихонаси хабар тарқатди.

Жами маблағнинг 81,5 миллион маркаси имтиёзли кредит сифатида, 8,5 миллиони эса ёрдам тариқасида тақдим этилади. Маблағлар Грузиядаги Варцих ГЭСини қайта таъмирлаш, кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

ҚИРОЛНИНГ ТАШРИФИ

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин таклифига биноан, Норвегия Қироли Харалд V ва Қиролича Соня давлат ташрифи билан 25-29 май кунлари Россияда бўлади.

Ташриф асосида Россия -- Норвегия ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Шунингдек, Қирол Харалд V ва Қиролича Соня Санкт-Петербургда ҳам бўлади.

ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ ИСЛОМОБОДГА КЕЛДИ

Кеча эрталаб Америка ҳарбий дипломатлар делегацияси Исломободга келди. Делегацияга АҚШ давлат котибининг ўринбосари Строуб Тэлботт бошчилик қилмоқда. Делегация аъзолари Покистон Бош вазири Навоз Шариф, ташқи ишлар вазири Гоҳар Айюб Хон ва мамлакатнинг ҳарбий қўмондонлари билан учрашади. Маълумотларга қараганда, делегациянинг асосий вазифаси Покистон раҳбариятини ядро синовларини ўтказиш ниятидан воз кечтириш.

Ушбу мураккаб воқеаларга бой йилларда пойдеворини қўйишга муваффақ бўлинган янги уйни қуриш ва обод қилиш учун ўрнимизга келадиган авлод олдидаги масъулиятимизни, бир дақиқа бўлсин, унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ислом КАРИМОВ
(«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асаридан).

ЕТОВДАГИ ОДАМ ИШГА ЯРАМАС

Туманимизда 72 минг аҳоли бор. Бу 12986 оила демак. Ҳокимлик қанчалик масъул бўлса, партия ташкилоти ҳам шунчалик масъулликни, ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдорликни ҳис қилиб иш кўряпти. Албатта, партия ташкилотлари амалга оширадиган ишлар буйруқ, кўрсатма, фармойишлар асосида эмас, ташвиқот-тарғибот, маънавий-маърифий тадбирлар, соғлом ва ҳаққоний таклифлар асосида амалга ошириляпти. Туманда ўтадиган ҳар бир тадбирда, умумий меҳнат жараёнларида партия ташкилотининг иштироки сезилиб туради. Менинг ўзим хўжаликларга, маҳалла ва хонадонларга борганимда муаммоларни имкон қадар ҳал қилишга кўмаклашаман.

Тумандаги 6 нафар хўжалик раисларининг муовинларига бошланғич партия ташкилоти котиби вазифаси ҳам жамоатчилик асосида юклатилган. Улар асосан ижтимоий масалалар билан шуғулланадилар. Фуқаролар мурожаатини биргаликда тинглаймиз. Масалани ҳал қилишни ҳоким раис муовинига юклар экан, «шу масалани ўша жойнинг ўзида ҳал қилса бўлади-ку. Одамларни сарсон қилишга йўл қўйманг, ахир сиз оддий муовин эмас, партия ташкилотининг котибисиз...» деган сўзларни айтади.

Шу кунларда ҳокимлик билан ҳамкорликда тумандаги мактаблар, ўқув юртларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўрганиш, таълим-тарбия сифати ва шарт-шароитларни, аҳволни ўрганиб чиқмоқдамиз. Аниқланган камчиликларни тезда тугатиш чоралари кўрилмоқда. Амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ўрганиш юзасидан мактабларнинг директорлари, муаллимлар аттестациядан ўтказилди. Маълум бўлдики, ҳали ҳурматли устозларнинг ўзлари халқ таълимини ислоҳ қилиш талабларига жавоб берадиган аҳволда эмас эканлар. Бу аянчлидир, шундан келиб чиқиб биз мактаб директорлари ва ўқитувчиларнинг билимлари, касб-маҳоратларини ошириш юзасидан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Бошқа айрим соҳаларда ҳам шунга ўхшаш воқеаларни кўриб эзилиб кетасан, киши. Ахир, ўз соҳаси бўйича чиқаётган фармону кўрсатмаларни, қонунларни ўз хоҳиши билан яхши ўрганмайдиган раис, мутахассис ёки ташкилот бошлиғи бугун

Янги рукн:

Партиявий ниғоҳ

қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришдек қийин, муҳим ишга ярармикан? Иккинчидан, эртага агроном, ҳисобчи, иқтисодчи ёки муҳандис бўлган бундай шоввозлар худо кўрсатмасин-у, бирон амалга миниб қолса, ўша жойдаги қишлоқ хўжалигию иқтисоднинг ҳоли не кечади?! Чунки етовдаги одам ҳеч маҳал корга ярамайди.

Туман партия кенгаши пленумида муҳим бир масалани муҳокама этдик. Сабаб шуки, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган бўлим бошлиқлари, бригадирлар, фермер хўжаликлари раҳбарларининг жуда кўплари ҳуқуқий жиҳатдан саводсиз бўлганликлари туфайли давлат билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажаришда масъулият сезмайдилар. Ёқилғи-мойлаш ашёларини хўжасизларча сарфлайдилар, ерга, сувга эътиборсизлик қиладилар. Оқибатда ҳам ўзлари, ҳам хўжалик, ҳам туман зиён кўради. Тумандаги 500 та пахтачилик бригадасининг 100 таси 1997 йилги шартнома режаларини бажаролмади. Ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, йил бошида тузилган шартнома ўша зҳотиёқ уларнинг ёдларидан кўтарилган. Юқорида айтилган хўжасизлик, масъулиятсизлик ҳолатлари рўй берган.

Бошқа соҳаларда ҳам ҳуқуқий билимсизлик панд бераётганлигини кузатиш мумкин. Дўкон ва фирмалардан 20 таси ўтган йили тегишли идоралар томонидан тугатилди.

Демоқчиманки, агар улар қонундан хабардор бўлганларида 5-6 ойлик умрлари беҳуда ўтмасди. Қўлларидан келадиган ишлар билан шуғулланган бўлардилар. Ўрни келганда айтиш керакки, қишлоқларда ҳуқуқий маслаҳат идораларини очиш лозим. Бундан ташқари, деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар учун кичик юрист-маслаҳатчилар тайёрлайдиган курслар ташкил этилса ҳам маъқул бўларди.

Афсусланарли томони шундаки, Сурхондарёдек узоқ вилоятларга ҳуқуқий адабиётлар тўлиқ етказилмаяпти. «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимига на ҳуқуқий, на сиёсий-бадиий, маънавий қадриятларга оид китоблар юборилади.

...Эслаб кўринг: Болшевойлар, ўша даҳшатли 20-йилларда Туркистон халқларини тезроқ оғдириб олиш, ўзликларидан жудо этмоқ учун ҳар хил сиёсий-бадиий адабиётлар, чақириқларни, патефону барабанларни, комсомол-коммунист ташвиқотчиларни вагон-вагон жўнатиб турганлар...

Биз эса ўз мустақил давлатимизда китобни орзу қилиб юрамиз. Ёки, жаҳон ҳайратланиб томоша қилаётган Мустақиллик ва Наврўз байрамларимизга оид рангли плакатлар тўпламларини нега чиқарилмаётган экан, деб ҳайрон ҳам қоламиз...

Ҳозир яратувчилик, маъмурчилик, савобли ишларга ҳисса қўшиш, шу юрт, шу халқ ҳаёти, турмуши учун масъул эканлигингни ҳис этишнинг ўзи бир мартаба... Шундай экан, мен тумандаги ютуқларимизга оид факт ва рақамларни келтириб ўтирмадим. Балки бу ютуқларни янада бойитишга халақит бераётган, нигоҳимга чалинган нуқсонларимизни чимдиб ўтдим, холос.

Чори АЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгашининг котиби

«ТУЯ ЮТИШ» ОПЕРАЦИЯСИ

ёки кредит шартномаси билан қилинган жиноят хусусида

Эндигина қирқ ёшдан ошган, тоғни урса талқон қиладиган булунғурлик Алмамат Абдуллаев ўзини тижоратга урди. 1995 йилнинг бошида эса йўлини топиб Москва шаҳар «Ўзбекистон» савдо уйи ассоциациясининг «Самарқанд» ишлабчиқариш тижорат фирмасига директор бўлиб олди.

Беш нафар фарзанднинг отаси, олий маълумотли А. Абдуллаев тижоратда ҳалол ишлаб, халқ фаровонлиги учун елиб-югуриб хизмат қилса-ку, гапни киноядан эмас, ташаккурдан бошлардик. Лекин...

Шайтон йўлдан урдими, ишқилиб, у тезроқ бойиш, чўнтагини пулга тўлдириш шаштига тушди. Шу сабаб ҳам изимидан чиқмайдиган, «ҳа» деса кафтига қўнадиган нуроталик Абдураззоқ Назаровни бош ҳисобчи, самарқандлик Акбар Бердиевни эса фирма савдо бўлимининг бошлиғи вазифасига ишга олди. Учовлон биргаликда «туя» топиб, думини кўрсатмасдан ютишмоқчи бўлишган экан...

Улар 1995 йилнинг 15 май куни Россия Федерацияси Новосибирск шаҳридаги «Русский клуб» масъулияти чекланган жамиятига икки вагон-цистерна вино маҳсулотлари юбориш ва эвазига ёғоч, қишлоқ хўжалик техникаси эҳтиёт қисмлари ва шиша идишлари келтириш ҳақида шартнома тузди.

Шартномага кўра, улар 1995 йил 9 августда «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилояти бўлимидан 14-сонли шартнома асосида 500 минг сўмлик қисқа муддатли, 170 фоизли кредит олишди. Кредит шартномасида юқорида кўрсатилганларни сотиб олишлари аниқ кўрсатилганди. Олинган пулга эса август ва октябрь ойларида Булунғур тумани Красногвардейск (номи жуда «ажойиб»), Килдон вино заводларидан 553 минг сўмлик «Портвейн» виноси олиб «Русский клуб» жамиятига 653 минг 640 сўм баҳоси билан жўнатишди. Бу эса уларнинг наздида мўмай даромад, яъни излаётган «туя»лари эди. Учовлон «бечора туя»га очофатдай ёпишишди. Россиядан олинган маҳсулот талон-торож қилинди.

Қилмиш-қидирмиш

Туя юрса ҳам, турса ҳам чанги чиқмайди, дея ўйлашганди улар. Шу сабаб Россиядан келган ва жавобгарлигида бўлган 30 минг сўмлик 836 метр пеноплен, 180 минг сўмлик калиш, жами 210207 сўмлик молларни ҳам ўз фойдаларига ўзлаштириб юборишди.

Афсус, азаматлар адашишган экан. Самарқанд шаҳар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, тафтишчиларнинг олдида «туя»нинг «чанги» кўриниб қолди. Оқибатда эса «ишбилармон»лар ўттан йилнинг октябрь ойи охиригача банкдан олган кредит пули (464 минг сўм) ва унинг фоизи (135350 сўм)ни кўшиб ҳисоблаганда 599300 сўм қарздор бўлиб қолганлиги маълум бўлди. Улар бу пулни қайтариб тўладилар. «Туя»ни ҳазм қилишолмади. Аммо, бу ҳали ҳаммаси эмасди. Самарқанд вилоят судининг очиқ суд мажлисида «туя»-хўрларнинг қилмиш-қидирмишларига бутунлай чек қўйилди. Ўзга мулкни ўзлаштириш йўли билан гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб талон-торож жиноятлар содир қилишганлиги учун А.Абдуллаев саккиз, А.Бердиев олти, А.Назаров беш йилга озодликдан маҳрум этилиб, барчасининг молмулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қиссадан ҳисса шуки, тижорат ишлари билан шуғулланаётганлар «туя ютиш»ни ҳеч ҳам орзу қилишмасин. Алалхусус, учовлон «туя»хўрларга ўхшаб, панжара ортида яшашга тўғри келади. Қонун эса ҳамма учун баробар.

Алам ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд шаҳар прокуратурасининг бош терговчиси,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПАРАНЖИ

Аёллар, хусусан, келинлар юзини ёпиш одати кўп халқлар, жумладан, ҳеч қачон паранжини билмаган қозоқ, қирғиз, бошқирд, чуваш, мариларда ҳам бўлган. Шунингдек, елкага кийиладиган паранжига ўхшаш яктаксимон кийим ҳам талай элу элатларда бор эди. Кейинчалик ана шу кийим бошга ёпинадиган, чиммат қўшилиб, юзни тўсадиган ёпинчиққа айланган.

Элшунос олимларнинг далолат беришича, паранжи айнан XIX аср ва XX аср бошларида, асосан, ўзбеклар ва тожиклар орасида кенг тарқалган. Шундай бир қараш ҳам борки, қай бир замонда аёллар ўртасида фитна кўпайиб кетгани учун уламолар «Қуръон»га суянган ҳолда хотин-қизлар бошларига ёпинчиқ билан кўчага чиқишларига фатво берган. Аёлни бегона кўзлардан асровчи бу кийим Туркияда ҳам бўлган. Уларда «фаражи» дейилган.

«Паранжи» ҳам, «фаражи» ҳам, асли, арабча «фаража» сўзидан келиб чиққани аниқ. Бироқ «фаража» арабларда, бошқа турли халқларда ҳар хил устки кийимини англатиб келади. У баъзи тиллар ва замонларда эркаклар, ҳатто суфийлар махсус кийимини ҳам билдиради.

Шунга асосланиб, илм паранжининг номигина арабларидан келиб чиққани, ўзи эса Марказий Осиё халқларининг миллий кийимлари асосида пайдо бўлганини исботлаган.

Бунга бир далил шуки, XIV—XVI асрларда яратилган миниатюраларда ёпинган аёл сурати сира учрамайди. Шунга кўра, паранжи бизда XVII асрларда пайдо бўла бошлаган, деган тахминга бориш мумкин.

Паранжининг исломий ақидалар билан боғланиб кетиши ҳам ана шу кейинги асрларга тўғри келади.

Бироқ «паранжи» асли «фаранги», яъни Европага, аниқроғи Франция хос кийим деган маънодан келиб чиққан, деб ҳисобловчи олимларимиз ҳам бор. Илм бу масалага яна аниқлик киритар.

Паранжи маълум бир даврларда ўзбек аёллари юзини номаҳрамлардан тўсиш вазифасини бажарган бўлса, бу — тарихнинг иши. Паранжига қарши ёппасига кураш бўлиб ўтган бўлса — бу ҳам ўтмиш. Ҳозир фақат бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, паранжи ёпиниш бизда айнан рус истилоси замонларида ҳаддан ташқари кучайган кўринади. Эҳтимолдан холи эмаски, халқ ўз аёллари ва қизларини мамлакатни қурол кучи билан ваҳшийларча босиб олган ғайридинлар назаридан асрашни ҳам ўйлаган. «Фитна замони» деганда шунга ўхшаш даврларни кўзда тутиш мумкин. Бу миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш учун қилган бир ожизона ҳаракати ҳам эди.

Шундай бўлмаса эди, нима учун айнан 1920 йилдан эътиборан, хусусан, шаҳарларимизда паранжи ёпиниш ҳаддан ташқари кучайиб кетди? Чунки худди шу йили Марказий Осиё Россия ҳарафидан гўё қайтадан истило қилинди: Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги қулатилди.

1927 йили бошланган «Ҳужум» кампанияси зимдан миллатнинг ғурурини синдиришга қаратилган сиёсий тадбир эди.

Лекин...

Мана, ундан буён бир инсон умрича давр ўтди. Ҳаёт ўзгарди. Ўзбек миллий маданияти умумжаҳон тамаддунининг бир бўлаги тарзида ривож топа бораяпти. Биз илғор дунё билан боғландик.

Бугун жаҳонга, одамларга, тараққиётга, аёлларга муносабатимиз ҳам тамом бошқача. Болалар боғчасидан тортиб то олий ўқув юртигача бўлган таълим масканларида қиз-йигитлар бирга билим олади. Муаллимларимиз — ҳам эркаклар, ҳам аёллар. Тўй-томошаларимиз ҳам замонавий тус олиб кетганига неча йиллар бўлди. Бугун биз илғор мамлакатларга етиб олишга аҳд қилдик. Шундай экан, энди ҳаёт орқага қайтиши сира мумкин эмас.

Йиллар илдиз отиб, барқ уриб ўсган дарахтни бир лаҳзада таг-томири билан қулатиб ташлаш осон иш эмас. Асрлар удумга кирган нарсани ҳам бирданига йўқотиш мушкул. Шунга қарамай, шўролар тузуми даврида паранжига қарши ёппасига инқилобий кураш бошланди. «Ҳужум» кампанияси, аввало, халқнинг миллий ғурури, орномуси, қадриятларига қарши қурол-билан бошланган ҳужум эди. Унинг қандай бемаъни оқибатларга олиб келганини бу ерда айтиб ўтиришнинг мавриди эмас. Лекин ҳозир буни бошқа масалада эслаяпмиз.

Биринчидан, ислом қонун-қоидалари, кўриниб турибдики, бевосита ҳаёт, яъни давр ва маҳаллий шароит билан узвий боғлиқлик ва ўзаро мослаштириш асосида амалга ошириб келинган. Буни араб дунёси тарихининг ўзи ҳам кўрсатади.

Иккинчидан, йиллар давомида урфга кирган, халқ кўниккан одатларни бирданига ўзгартириб ташлаш ҳамиша қалтис оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Учинчидан, ҳозирги ҳижоб масаласининг мусулмончилик белгиси сифатида талқин ва тарғиб этилиши заминида ғаразли сиёсий мақсад ётибди ва тарихдан биламизки, диндан сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш ҳамиша жамият тараққиётига раҳна солаверади.

Тўртинчидан, ахир, бизнинг мамлакатимиз учун Конституция — энг асосий ва барча фуқаролар учун амал қилиш мажбурий бўлган қонун. Ислом ёки бошқа бирор бир дин фуқароларининг конституцион ҳуқуқларига дахл қилиш мутлақо мумкин эмас.

Бешинчидан, шуни ҳам эсдан чиқармайликки, бугун Ўзбекистоннинг қайси йўлдан бораётгани, унинг фуқаролари онг-шуури кўпроқ нима билан бандлиги фақат ўзимизнинг ички масаламизгина эмас. Унутмайликки, бугун дунё бизга қараб турибди. Чет мамлакатлар биз билан босаётган қадамимизга қараб муомалада бўлади. Шундай экан, жаҳон тамаддунининг асрлар исботлаган тараққий йўли қолиб, эски тоталитар, якка мафкура ҳукмрон бўлган даврларини қўмсасак, яхшими?

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ИСЛОМДА ЭРКАК ВА АЁЛ ТЕНГ

Рост. Эркак бўлсин, аёл бўлсин — Худонинг бандаси. Фарзлар ҳам — ҳаммага бирдай буйруқ. «Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар», — деган ҳадис ҳам эркак-аёлга бирдай тегишли. «Илм ўрганиш — ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто, денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади (яъни кечирим сўрайди)», — деган ҳадис-ку эркак-аёлни бараварига илмга тарғиб этаётгани маълум.

Шуларни ўйлар экансан, яна бир савол туғилади: хўш, ҳажда қандай экан, у ерда аёл-эркак бирга ибодат қиладими?

Шу йил ҳаж насиб этган таниқли ёзувчи ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовдан фарз зиёратга борган муслималар кийими ҳақида сўрайман.

— Ҳозир қишлоқларимиздаги ўзбек аёллари нима билан банд? — дейдилар у киши саволга савол билан.

— Кўпчилиги далада ғўзани ягана қиляпти.

— Ана шу қишлоқларимиздаги аёлларимиз қандай кийинган бўлсалар, ҳаж зиёратига келган оламнинг муслималари ҳам шундай кийинган: оддий кўйлак-лозим, бошларида рўмол, вассалом!

— Демак, оналаримиз кўча-кўйда, уйда кийиб юрган оддий кийим — кўйлак-лозим-у бошга рўмолни бўйин орқали бойлашнинг ўзи исломий кийим экан-да, — дейман яна қизиқиб.

— Бўлмасам-чи! Ахир, ислом энг ҳаётий, умматларга енгиллик берадиган дин-ку!

ҲИЖОБ

Иккинчи мақола

Яна ҳадис ёрдамга келади: «Оддий кийим кийиш ҳам имондандир».

Ислом фақат бир ерда аёл билан эркакнинг кийинишини фарқлайди: «Тангри аёлларнинг кийимини киядиган эркакни ва эркакларнинг кийимини киядиган аёлни лаънатласин!» — дейилади ҳадисда.

СИНГИЛГА АЙЛАНГАН ХОТИН

Ҳазрат Навоийда шундай ҳикоятлар борки...

Ҳиндистон шаҳзодаси — Фаррух тушида бир моҳиликога ошиқ бўлади. Уни излаб, сафарга чиқади. Ҳалабда тасодифан туя устидаги кажавада кетаётган бир қизни кўриб қолади. Қараса, ўша излаб юргани — шу. Бу қизни яна кўрарманми, деб, шу шаҳарда сарсон-саргардон кезади. Охири, бир вайронада беҳушдек бўлиб ётади.

Ҳалабда Ахий деган бир сердавлат, ҳам серҳиммат киши бор эди. Савоб йўлидан кўча-кўйда оч-ялангочларни уйига келтириб, уларни ювинтирарди-да, уларга яхши кийим-кечаклар кийдирар, кейин кўп яхши меҳмоннавозлик қилар эди. Ўша саховатпеша фақирона тўнига ўраниб ётган Фаррухни ҳам топади.

Зиёфату зарофат билан йигитнинг кўнглини олиб бўлмайди. Ундаги ғамгинлик камаймайди. Шунда хонадон соҳиби бир йўл тутади. Базмда меҳмон йигитга ичириб, уни маст қилади, шу тариқа ичидаги дардини билиб олади.

Буни қарангки, йигит ошиқ бўлган қиз — унинг хотини бўлиб чиқади. «Кел, — дейди шунда, — хотинимни талоқ қилиб, унга тўй-томоша билан никоҳлаб берай-да, бу бечорани шу дарди бедаводан қутултирай. Менга бўлса, хотин яна қуриб қолибдими?!»

Шундай қилади. Тўй-томошадан кейин келин-куёвни мол-мулк, қўриқбонлар билан бир карвон қилиб Ҳиндистонга жўнатади. Йўлда куёв воқеадан хабар топади. Қизнинг йиғиси сабабини сўраганда у: «Кишини никоҳ хушдил қиладими ёки талоқ?» — дейди. Шунда Ахийнинг юксак саховатига тамом қойил бўлиб, жувонга: «Икки жаҳонда сен менга сингилсан», — дейди. Мамлакатига бориб подшо бўлади.

Тақдир тақозоси билан, Ахийнинг ишлари орқа кетиб, қамоқларга тушиб, ундан базўр қутулиб, Фаррухнинг ўша эски тўнини устига ёпиб, Ҳиндистонга келиб қолади. Фаррух Ахийга ҳавас қилиб, бу ерда оч-ялангочларни меҳмонхонасига келтириб, ювинтириб, кийинтириб, зиёфат қилишни йўлга қўйган эди. Ана шундай айланиб юрганида бир вайронада мук тушиб ётган одам эгнида ўзининг Ҳалабда қолиб кетган эски тўнини кўриб, ҳайрон қолади. Қараса, Ахий! Йиғлашиб кўришадилар. Қарз қиёматга қолмайди: Фаррух мусофирни саройига олиб келиб, ювинтириб кийинтириб, зиёфат қилади. Кейин элу юрт олдида: «Бир синглим бор, уни шу мусофир дўстимга бераман», — деб катта тўй бошлайди. Тўйдан кейин куёв ҳарамга кирса...

Не кўз билан кўрсинки, ўзининг хотини!..

Ахир, ният пок бўлса, мана кўринг, шаръий никоҳдаги аёл ҳам одамнинг синглисига айланиши мумкин экан-ку. Биз — эркаклар, ҳадиси шарифда айтилганидек, аёлларга опамиз ё синглимиз каби боқишимиз керак.

Бундай пок муносабат учун эса ҳижобга ҳожат йўқ.

СУФИЙЛАР НАЗДИДА ҲИЖОБ

Тасаввуфда атамаларнинг бари—бир ажиб тимсол. Уларнинг ҳаммасида қандайдир рамзийлик бор. Ҳижоб ҳам ана шундай кўчма маъноларга эга тасаввуфий истилоҳлардан бири ҳисобланади.

Дин ва ҳаёт

Меърож кечаси пайғамбарнинг Оллоҳ васлига яқинлашувини Навоий «Лисон ут-тайр»да шундай тасвирлайдики, гўё етмиш минг парда — ҳижоб очилиб, ёр билан ошиқ ўртасида ҳеч бир тўсиқ қолмайди:

Айлабон чун рафъ етмиш минг ҳижоб,
Қолмай ўзга монеъи онинг ҳижоб.

Тасаввуфона талқинга кўра, меърожда Муҳаммад алайҳиссалом ўзликларидан тамоман воз кечган эдилар:

Ўзни ўзлик қайдидин айлаб халос,
Топиб ўздин ўзгаликка ихтисос.

Демак, ўзликдан кечиш Оллоҳ билан банда ўртасидаги пардалардан халос бўлиш тарзида тушунтириляпти. Бу бежиз эмас. Чунки суфийлар наздида ҳижоб — Ҳақ билан қалб ўртасидаги барча дунёвий тааллуқот. Нимаийки Оллоҳга етиш йўлида тўсиқ бўлса, шуларнинг бари — ҳижоб, яъни парда, Унинг қўйидаги турлари бор:

а) ҳижоби нафс — лаззат ва шаҳват;

б) ҳижоби қалб — Худодан ташқари нарсалар ҳақида ўйлаш;

в) ҳижоби ақл — далил ва исботлар, фалсафий мушоҳадалар билан машғул бўлиш.

Лекин, агар, мабодо, солик бу нарсаларга ортиқча эътиқод қилмасдан, Ҳаққа етиш сари олға интилаверса, Оллоҳ сифатларини кашф қилишда давом этади. Шунда унинг учун замон ва макон ҳижоблари тўсиқлик қилолмай қолади. Қайтанга, соликнинг вазифаси бу йўлда тинимсиз равишда олдида турган пардаларни — ҳижобларни оча боришдан иборат. Шунда у бир кўзи билан Ҳақни, иккинчи кўзи билан халқни кўради. Шу боис ҳам камолотга етган суфийларни тасаввуф аҳли «зуайнайн», яъни икки кўзли дейди.

ҲИЖОБ ИФФАТ БЕЛГИСИМИ?

Шу нарса аччиқ ҳақиқатки, паранжи аёлларни покликда сақловчи асосий восита бўла олган эмас.

Ҳамза Ҳакимзоданинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёхуд Яллачилар иши» драмасида Холисхон қаттиқ алданади. Уни паранжига ўраб «Севганингнинг ёнига элтамиз», — деган ёлғон билан тўппа-тўғри исловотхонага олиб борадилар. Паранжи Холисхоннинг ҳақиқатни кўриши мумкин бўлган кўзларини тўсади, тақдирини фожиага айлантиради.

Ёки Абдулла Қаҳҳор «Майиз емаган хотин» ҳикоясидаку ўзи паранжига ёпиниб келиб, ичкари уйда хотини билан ҳафталаб ошиқ-маъшуқлик қилиб юрган йигитдан бехабар-у, маҳалла-кўйда паранжисини ташлаган қизлару аёлларни ғийбат қилиб юрган ношуд — мулла Норқўзи устидан боплаб кулинади.

Мулла Норқўзи «Паранжи — ҳаётнинг пардаси-да!» — дегич эди. Ҳикоя охирига бориб кўрамизки, бундай эмас экан.

Ҳаё, иффат, ор, номус, ғурур — кўп улуғ миллий қадриятларимиз. Бироқ шундай теран туйғулар учун ёпинишнинг ўзигина ҳали чин мезон бўла олмайди. Унда мазмун қолиб, шаклга берилиб кетган бўламиз.

АВВАЛО, КЎНГИЛ ПОК БЎЛСИН!

Бугун миллат уйғониб, ҳар тарафлама илғор даражаларга етаман, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимни кўрсатаман, деган дард билан ёнмоқчи.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» — шиорининг мағзида шу ният ётади.

Сира эсдан чиқармайликки, бу мақсадга, энг аввало, замон талабларига ҳар тарафлама мос янги авлодни — ёшларимизни тарбиялаб, вояга етказиш орқали эришамиз. Бу вазифанинг асосий масъулияти оилага, хусусан, аёлларимиз зиммасига тушади. Бугун миллат оналари ҳар тарафлама маърифатли бўлиши шарт. Халқ юксак маънавий-маърифий поғоналарга кўтарилган ҳамма замонларда шундай бўлган.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идаги бир эпизодни эсга олайлик.

Фарҳоднинг илму ҳунарига бутун Армания қойил қолади. Сўнг Меҳинбону билан Ширин уни саройга — зиёфатга чорлайди. Базмда ўн оқилаю олима қиз ҳам иштирок этиб, Фарҳод билан савол-жавоб қилади. Қизларнинг ҳар бири бир фан соҳаси — шеър вазнлари, мусиқа, мантиқ, ҳақойиқ (тасаввуф), балоғат (чиройли сўзлаш ва ёзиш), тарих, фалсафа, ҳисоб, муаммо (шеър илми) бўйича замонасининг зўри эди.

Бу билан Навоий, биринчидан, аёллар ҳам эркаклар билан тенг илм олишлари лозимлигини, иккинчидан, қизлар фан бобида Фарҳоддан ҳам эмаслигини кўрсатмоқчи.

Бу ерда қизларнинг Фарҳоддан юзларини бекитишлари ҳақида сўзлашга ҳеч ўрин қолмаган.

Бу-ку тарих экан. Бугун замон тамом бошқача. Кўпларимизнинг аёлимиз бир ишхонада меҳнат қилади. Ўзимиз ишлаётган жамоа ҳам эркагу аёллардан иборат. Шундай экан, ҳаётнинг ўзидан келиб чиқилганда ҳам, келажакни кўзлаб фикр қилганда ҳам юзни кўзгача ўраб олишга зарурат борга ўхшамайди.

Аввало, кўнгил пок бўлсин!

Кўнгил пок бўлмаса, ана шу ҳижобни тарғиб қилиш, уни ўзга юртлардан олиб келиб сотиш, ҳижобга кирганлар кўпаяётгани учун қай бир ҳомийлардан нималардир олиш пайида юрган бадниятлар кимсалар ҳам топилаверади.

Пок кўнгиллар бундай нопок ниятлар гирифтори бўлмасин, деймиз.

Султонмурод ОЛИМ



Сурхондарёга ёз келди. Қулай об-ҳаво шароитидан фойдаланган чўпонлар ўз отарларини кенг яйловларга олиб чиқишди. Боботоғ бағридаги ям-яшил яйловларда минглаб қўй-қўзилар боқилмоқда.

Жарқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида мавжуд 2300 бош қўй парваришланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил чорвадорлар учун қулай келди. Шу боис ҳам отарларга яна икки мингта қўзи қўшилди. Уларнинг саксон фоизи ўстиришга қолдирилди. Қўзилар соғлом ва дуркун ўсмоқда.

Бу ерда селекция ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Зотдор қоракўл ва жайдари қўйларни кўпайтириш йўлида изланишлар олиб борилаётир.

Хўжаликда ўз ишининг устаси бўлмиш тажрибали чўпонлар талайгина. Холмурод бобо Эшпўлатов ана шулардан бири. У эллик йилдан буён чўпонлик таёғини ардоқлаб келади.

СУРАТДА: илғор чўпон Холмурод бобо Эшпўлатов.

Искандар ХЎЖАЕВ олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БУ ДОРИ АНҚОНИНГ УРУҒИМИ?»

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1998 йил 10 март сонида чоп этилган «Бу дори анқонинг уруғими?» сарлавҳали мақоласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўрсатилган адиуретин СД 5 мл. томчи дориси Чехия давлатида ишлаб чиқарилади.

Республика «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюшмаси ва Тошкент шаҳар «Дори-Дармон» ДАБси Чехия давлатининг «Марс ЛТД» фирмаси билан 1998 йилга 60000 АҚШ долларилик 4000 флакон адиуретин дориси сотиб олиш учун шартнома имзоладилар ва бу шартномалар республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун топширилди.

Бемор Матназарова О. 1 ўрам адиуретин СД 5 мл. дориси билан Хоразм вилояти «Дори-Дармон» ДАБ орқали таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири муовини Б. ЙЎЛДОШЕВ

ПОКХРАНДАГИ КУТИЛМАГАН ПОРТЛАШ

Уни жаҳон жамоатчилиги қоралаётир

Жаҳон жамоатчилигининг норозилигига қарамай Ҳиндистон ўтган чоршанба куни яна иккита ерости ядро синовини амалга оширди. 11 апрель куни эса Ражастон штатининг Покхран полигонида дастлабки уч қурилма портлатилган эди.

Бу албатта, қўшни давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чунончи, Эй-Би-Си телекомпанияси Америка разведкасидаги манбаларга таяниб, Покистон ҳам Ҳиндистондаги бешта портлашга жавоб тариқасида ўзининг ядро қурилмаларини синовдан ўтказмоқчи, деб хабар тарқатди. Манбалардан олинган хабарларга кўра, Покистон синов ўтказиладиган жойга мутахассислару техникларни тўпламоқда.

Америкалик экспертларнинг фикрича, Покистон бир ёки икки ҳафта мобайнида ядро портлатишини амалга ошириш қобилиятига эга. Америка фан ва халқаро хавфсизлик институти директорининг ўринбосари Кевин О'Нил эса «покистонликлар бундай синовларни ўтказиш учун фақат ҳукуматнинг буйруғини кутиб туришибди» деди.

Институт маълумотларига кўра, 1991 йилда плутоний ишлаб чиқаришни тўхтатган Покистонда ҳозир 210 килограмм ушбу модда тўпланиб қолган. Бу тахминан 10 та ядро заряди яратишга етади. Ҳиндистонда эса тахминан 370 килограмм плутоний бўлиб, ундан тахминан 75 ядро заряди яратиш имконияти бор. Ҳозир Ҳиндистондаги мавжуд ядро зарядлари қўшнисиникидан етти баравар кўпроқ бўлсада, Покистон 2-8 йил давомида ушбу фарқни кескин камайтириши мумкин.

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи «катта саккизлик» мамлакатлари раҳбарларига мактуб йўллаб. Ражастон штатидаги ядро синовларининг сабабини баён қилди. Хатда кўрсатилишича, ядро синовлари гўё «Ҳиндистоннинг хавфсизлигини ўйлаб» амалга оширилган эмиш.

Куни кеча Япония Ҳиндистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини жорий этишини маълум қилди. АҚШ Президенти Билл Клинтон Ҳиндистонга нисбатан кенг миқёсдаги иқтисодий жазо чораларини жорий этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бу ҳақда Оқ уйнинг юқори мартабали вакили хабар қилди. Германия эса ушбу мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 300 миллион немис маркасини тўхтатиб турадиган бўлди. Стокгольм ядро портлашига норозилик сифатида Ҳиндистон билан ҳамкорлик ҳақидаги уч йиллик дастурини тўхтатиб туришга қарор қилди. Бу ҳақда Швеция халқаро ҳамкорлик ишлари вазири Пьер Шори баёнот берди. Шартнома 1997 йилдан 1999 йилгача тузилган бўлиб, унинг молиявий жиҳати 900 миллион Швеция кронасини ташкил этарди.

Гап шундаки, деб таъкидлади вазир, қашшоқлар, ночор кишилар бисёр бўлган мамлақат катта-катта маблағларни оммавий қирғин қуроллорини такомиллаштиришга сарфлаётганлиги бизнинг фикримиз. Шу кунгача бу ҳужжатни жаҳоннинг 149 мамлакати имзолади. Ҳиндистон ҳукумати эса ушбу ҳужжатни шу йилнинг охирларида имзолашга тайёр эканлигини билдирган эди. Юз берган ҳодисадан шу нарса маълум бўлдики, Ҳиндистон ўз ниятини амалга оширгунча сабр қилмоқчи экан. Ушбу мамлакатдаги корчалонлар иқтисодий жазо чоралари туфайли катта қийинчиликларни бошидан кечирган Ироқ ва собиқ Югославиянинг аҳволини эсласалар ёмон бўлмасди. Ўзи шундай ҳам иқтисодий аҳволи оғир бўлиб турган мамлакат халқининг турмуши бундан ҳам баттарлашиши мумкинку.

«Интернет» тизими хабарлари асосида тайёрланди

СУРАТДА: Германия пойтахти — Рейн дарёси бўйидаги Бонн шаҳри маркази.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

2000 ЙИЛ — ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ЙИЛИ

Халқаро маданий алоқаларнинг ривожланиши жаҳон ҳамжамиятида тинчликни сақлаш ва демократияни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Парижда бўлган мулоқотида алоҳида таъкидланди.

Дунёнинг кўпгина минтақаларида ҳар хил нотинчликлар юз бераётган вақтда халқлар ўртасида умумжаҳон маданиятини ривожлантириш зарурдир. БМТнинг барча ташкилотлари мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиши керак. Шунингдек, учрашувда БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига биноан 2000 йил — халқаро жаҳон маданияти йили, деб эълон қилингани тилга олинди.

КАВКАЗОРТИ МАМЛАКАТЛАРИГА ЁРДАМ

Европа комиссияси Кавказорти мамлакатларига инсонпарварлик ёрдами сифатида 9,6 миллион экю ажратди. ЕК вакилининг айтишича, бу маблағ бир неча ой давомида Европа Иттифоқининг инсонпарварлик бошқармаси орқали Арманистон, Озарбойжон ва Грузияга етказиб берилади. Бу ёрдам нодавлат ташкилотларининг ишини янада фаоллаштиришга қаратилган.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Хитой пойтахтида электрон мудофаа қуроллари кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 15 мамлакатида ишлаб чиқарилган замонавий ҳарбий телекоммуникация, авиация ва ядро энергетикаси техникалари намойиш қилинмоқда. Улар орасида Буюк Британия, Германия, Исроил, Италия, АҚШ, Франция, Россия давлатларининг етакчи фирма ва компаниялари бор.

БОЛАКАЙНИНГ ҚАЛТИС ҲАЗИЛИ?

Мамлакат Президенти хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифаларидан бири саналган АҚШ махфий хизмати вакиллари Билл Клинтоннинг жонига қасд қилмоқчи бўлган кимсанинг шахсини аниқлади. Маълум бўлишича, у Детройт яқинидаги Рочестер-Ҳиллз мактабларидан бирида таҳсил олувчи 14 яшар ўспирин экан.

Оқ уй раҳбари номига «Интернет» орқали мактуб йўллаган айбланувчи унинг жонига қасд қилмоқчи эканини айтган. Текширувлар бу пўписа ёш болакайнинг шунчаки ахмоқона мактуби эканини тасдиқлади. «Пўписа» ҳақиқатга яқиндек бўлиб туюлганининг сабаби эса мактуб ёзилганидан кейин бир-икки кун ўтгач, Билл Клинтоннинг детройтлик мактаб ўқувчилари билан учрашуви режалаштирилган эди. Лекин, махфий хизмат вакиллари нима бўлишидан қатъи назар Президент билан боғлиқ барча гапларга жиддий эътибор қаратишга, ҳар қандай шароитда ҳам унинг хавфсизлигини таъминлашга мажбур.

Ўқинг, қизиқ!

ГЎШТМИ Ё «ГОНОРАР»

Бир қассоб эрталабдан қурбонлик келтиришларини буюрди. Лекин у «қурбон»ини кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Сабаби у сўймоқчи бўлган қўйнинг шохи иккита эмас, балки бешта эди.

Бундай қўйни сўйиб ейиш эмас, балки пул ишлаш керак, деб ўйлади қассоб. Ва у адашмаган эди. Бир неча соат ичида суратқаш мухбирлар беш шохли қўйнинг суратини олиш учун етиб келдилар ва қассоб билан «гонорар»ини арра қилишга келишдилар.

ОЙДА ҲАМ ҲАЁТ БОРМИ?

Бу саволга жавобни ҳамма билади — йўқ. Аммо «Хилтон интернешнл» компаниясидагилар бошқа фикрдалар, у ерда тез орада ҳаёт бўлади дейишмоқда. Ойда биринчи бўлиб беш юлдузли меҳмонхона қуриш ниятида эканлигини билдиришди.

Бу қарорга компаниядагиларни Ойда ҳам сув бор деган хабарлар олиб келди.

Беш минг ўринли бу меҳмонхонага иккита қуёш панели ўрнатилади ва бу меҳмонхонани электр энергия билан таъминлайди. У ерда ўзининг денгизи, пляжи ва фермаси бўлади. Бу ферма у ерда турувчиларни озиқ-овқат билан таъминлайди. Ойда очилган муз қатламлари эса ичимлик сув билан таъминлайди. Хоналарнинг ичида ердаги босим сақланади.

Бу хабарга ҳар хил ёндашса бўлади. Лекин, «Хилтон интернешнл» компанияси НАСА экспертлари билан бирга анчадан бери бу ҳақда тадқиқотлар олиб боряпмиз, деб ишонтирмоқда.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 18

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 18 май куни ЎзТВ-I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 — Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Меҳрибонлик уйида».
18.25 «Озода бўлсин шаҳринг».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Адолат манзили». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан суҳбат.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дунё қушиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.25 «Диёр». Тележурнал.
22.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 1-фасл. 1-кўй.
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Нефтчи» (Фарғона).
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Бурч ва масъулият».
21.20 «Фаришталар ғазаби». Телесериал (АҚШ).
22.10 «Юрган дарё».
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 «Янгиланиш».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар
23.00 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал..
23.45 — 23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Гилам». Премьера.
9.05 «Жаҳон спорти».
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.40 Кундузги сеанс. «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион уйин.
12.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақом ансамблининг концерти.
13.05 «Ҳўтикнинг хомушлик касалига чалингани ҳақида». Мультфильм.
13.15—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Трактор» (Тошкент).

* * *

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 17.20—20.40

* * *

20.40 «Қўғирчоқлар олами». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Ғувоҳ». Детектив фильм.
23.10—23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид». «Рангинкамон». «Айчурэк».
21.15 Мусиқий танаффус.
21.20 «Ҳамкорлик».
21.40 «Намастэ».
22.05 Кинематограф. «Курьер».
23.35 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.55 Спорт-тайм.
00.25—00.35 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Олам ва одам».
9.00 «Биржа ва банк хабарлари».
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Ҳамкорлик ришталари».
10.55 «Велосипед кочиб кетди». Мультфильм.
11.05 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
11.30 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.05 Кундузги сеанс. «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
13.35 Эстрада тароналари.
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Андижон» (Андижон).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Юксалиш».
18.30 Экран қўйлари.
18.50 «Солиқ ва назорат».
19.10 «Миср мўъжизалари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».

«Ёшлар» телеканали

21.00 «Мардлар қўриқлайди Ватанни».
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Ватан ягонадир». Сафия Сафтарова қўйлайди.

*

22.25 Анор. «Азизим». Видеофильм премьераси.
23.40 «Ахборот».
00.05— 00.10 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.25 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.10 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тошкентнома».
20.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Онагинам».
21.15 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Спорт қитъаси.
22.45 Кундалик.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.30 — 00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00

* * *

17.20—20.40

*

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Торнадо туни». Бадиий фильм.
23.40 «Табассум улашиб». Телефильм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.20 «Тоғлар таронаси». Ориф Одилхонов.
19.55, 22.25 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Сен ҳақингда ва сен учун».
21.00 «Дорихона» эшитади.
21.30 Мусиқий лавҳа.
21.35 «Ўйингоҳ».
21.50 Мусиқий лавҳа.
21.55 Телефакт.
22.05 Хит-коллекция.
22.30 «Кувноқ кино».
24.00—00.10 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Олот».
8.35 Лирик тароналар.
9.00 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
9.20 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.45 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
11.05 Ўзбек қўйларидан концерт.
11.30 Акс-садо.
12.05 «Собиту сайёрада». Адабий кўрсатув.
12.30 Кундузги сеанс. «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Маслак ва мақсад».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомишлар ҳамиша ғолиб».
18.35 «Дардингизни олай».
18.50 Ёш ижрочилар концерти.
19.10 «Жавҳар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 - Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қушиқ изидан...».
21.55 «Адолат мезони».
22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-кўй.
22.55 «Ёзув столидан репортаж».
23.15 Туркий қавмлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Уммонга туташ диёр».
18.35 «XX асар жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгига нима етсин».
21.15 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.05 «Ғазал соғинчи».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00

* * *

17.20—20.40

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Экранда комедия: «Ҳаёт ташвишлари».
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.15 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Ёлқин».
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Мезон».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 Олтин хазина. Уйғун. «Парвона» спектакли.
23.40—23.50 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо садолар».
9.00 «Бармоқлар сеҳри».
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Талаб ва таклиф».
10.55 I-Бутунжаҳон спорт ўйинлари олдидан.
11.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
11.30 «Танаффус». Мультфильм.
11.40 «Болаликка бахшида умр».
12.05 Кундузги сеанс. «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
13.30 «Инсон ва қонун» кўрсатувига хатлар».
13.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Сўзана».
14.10 -14.40 «Созга солдим «Алпомишни».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Жасур чўпон бола». Мультфильм.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
21.20 Санъат усталарининг концерти.
21.55 «Парламент соати».
22.15 «Дунё адабиёти».
22.35 «Ахборот».
23.00 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил.
18.45 «Катта танаффус». Сўнгги қўнғироқ.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқа теграсида».
21.20 «Одамлар орасида».
21.40 «Меҳри дарё». Сойиб Ҳўжаев. 1-қисм.
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Оилавий экран.
23.35—23.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00

* * *

17.20—20.40

*

20.40 «Меҳрга ташна кўнгиллар». Публицистик кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Экранда психологик драма: «Менинг янги тўппончам».
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.40 «02» тўлқинида.
19.55, 22.25 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ҳамшаҳарлар».
21.05 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.55 «Дарвоқе».
22.30 «Киносалон».
24.00—00.10 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Муҳаббатим қўйлайман». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Камолот».

*

10.55 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.
11.10 «Харита». Халқаро шарҳ.
11.25 «Мураббий». Спорт дастури.
11.40 «Меҳр мақони».
12.05 Кундузги сеанс. «Рикки-тиккитави». Болалар учун фильм.
13.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
14.10 — 14.30 «Шуқуҳ».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Вазият».
18.50 «Ёруғ олам кўзгуси».
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Барҳаёт сиймолар». Мусиқий дастур.
22.05 «Бизнинг доимий ҳамкоримиз».
22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
23.05 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Кулги қироли». Бадиий фильм.
01.30 — 01.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон, ўйна!». Болалар учун концерт.
18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Тақдим.
20.10 «Акс».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Саргузашт фильмлар экрани.
23.05 Бокс. Бокс. Бокс.
23.25 — 23.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00

* * *

17.20—20.40

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Оила шифокори».
21.55 Оскар совриндорлари: «Шанхай экспресси» (1932 й.) Бадиий фильм.
23.35 «Буюк Ипак йўли. Нурота». Телефильм.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.30 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Бегойим».
20.20 «Маънавият ва Ислом».
20.40 «Дурдаршан».
21.15 Кинематограф. «Дарахтлар катта эди».
22.45 Араб эстрадаси.
23.15—23.25 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Ҳаёт рисоласи».
9.50 «Тўйғулар ҳаранги». Мусиқий дастур.
10.20 «Шоҳруҳ» клуби.
10.40 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.00 «Бўлутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
11.10 «Кичкинтой устахонаси».
11.30 «Меҳрингиз ардоғида».
11.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Миниатюра. Ранг тасвири». Премьера.
12.00 «Ёшлар» телеканали:
1. «Идрок».
2. «Севгим, севгилим».
3. «Сени Ватан кутади».

*

13.00 Кундузги сеанс. «Автомобилдан сақланинг». Бадиий фильм.
14.30 — 15.00 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
21.55 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
22.25 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури

22.50 «Истанбул». XVII Халқаро киноанжуман. 1-кўрсатув.
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 4-серия.
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 Рустам Маъдиев, Ботир Умиджонов. «Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
9.15 «Янги ой чиққан кеча».
9.30 «Мусиқа теграсида».
9.45 «Спорт қитъаси».
10.15 «Меҳри дарё». Сойиб Ҳўжаев. 2-қисм.
10.45 «Лавжой». Телесериал.
11.35 «Мафтункор чеҳралар».
12.05 Болалар экрани.
13.05 «Онагинам».
13.20 «Гулдаста».
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 «Эгиз қушиқлар».
14.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.35 Бокс. Бокс. Бокс.
15.55 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.25 «Ярми чин, ярми ҳазил».
16.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.30 «Ёрилтўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

*

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сўз ва соз оҳанглари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.45 «Ҳонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Кинонигоҳ.
00.10 — 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 17.00—22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.20—23.45 «Севимли шаҳар нурлари». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!» («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 22.05 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «Эсдалик учун дастхат».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.45 Хит-коллекция.
22.10 Киносалон.
23.30 Спорт-марказ.
00.10—00.20 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

* * *

8.25 Болалар учун. «Камалак». Азим Суюн. «Эзгулик ва ёвузлик». Фильм-спектакль премьераси. 1-қисм.
10.00 «Ёшлар» телеканали:
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Талабалик йилларим».
3. «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
4. «Табассум кўчаларида».
5. «Маҳорат».
12.40 «Кувноқ стартлар». Телеўйин.
13.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
14.10 «Ҳаёт сабоқлари».
14.40 Усмирлар учун. «Оқ йўл!».
15.10 — 15.30 «Ёзувчи ва замон».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Катта танаффус». Сўнгги қўнғироқ.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув..
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Оламга саёҳат».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.35 Телевизион миниатюралар театри.

«Аср мўъжизаси» кинодастури:

22.15 Кино янгиликлари.
22.30 «Кувончли кунлар». Бадиий фильм.
24.00 Спорт дастури:
1. Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Насаф» (Қарши).
01.35 — 01.40 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ўйна, болажон, ўйна!». Болалар учун концерт.
8.20 Р. Маъдиев, Б. Умиджонов. «Оқибат» спектакли. 2-қисм.
9.20 «Дубляж».
9.40 Саргузашт фильмлар экрани.
10.20 «Меҳри дарё». Сойиб Ҳўжаев. 3-қисм.
10.50 «Лавжой». Телесериал.
11.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
12.00 «Тақдим».
12.15 Болалар экрани.

*

«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ

13.15 Кўрсатувлар дастури.
13.20 Хорижий эстрада. «Enigma».
13.40 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.30 Интер-футбол.
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.50 Мусиқий клиплар.
16.10 «Нафосат».
16.20 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.50 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 «Менинг ҳам ўз овозим бор». Салоҳиддин Нуралиев.
22.25 Миллионлар ўйини.
22.45 Якшанба кинозали.
00.15 — 00.20 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Цирк, цирк, цирк».

\

ИЖОД НАШИДАСИ

Бизга ҳамнафас бўлган ижодкорлар орасида мустабид тузумнинг аччиқ тузини тотганлар кўп. Бугун таваллудининг 80 йиллигини нишонланаётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат шулар жумласидан. У ижод боғидан эндигина илҳом чечакларини тера бошлаган кезларда йўлчи юлдузи Усмон Носир қамоққа олинди ва у оташнафас шоирнинг салафи сифатида неча бор сўроқ қилинди. «Меҳрол» номли илк асари китобхонлар қўлига етиб улгурмай, иккинчи жаҳон урушининг оловли сўқмоқлари уни ўз домига тортди. Эндигина урушдан орттирган жароҳатини даволаб, шинелли йиллар ҳақидаги дастлабки романига нуқта қўйганида навбатдаги қатағон тўлқини бошланиб, унинг манглайига ҳам «халқ душмани» тамғаси урилди. Қатағонлар даҳоси Сталиннинг ўлимидан кейин оиласи ва адабиёт бағрига эсон-омон қайтган адибнинг илҳом булоғи қайнаб, кетма-кет асарлар яратаётган бир пайтда муртад кимсалар «Жаннат қидирганлар» романидан «сиёсий хатолар» топиб, унинг бошига не кунларни солмадилар. Аммо, унинг боши тошдан экан: ҳаммасига дош берди, тақдирнинг ҳамма синовларидан шараф билан ўтди.

Тўғри, адибнинг бошига отилган тошлар беизбенишон кетмади. У ҳаётининг сўнгги йилларини оғир хасталик либосида кечирди. Лекин, ижодга чанқоқлик ҳисси уни тарк этмади. У талайгина романлар, қиссалар, драмалар, достонлар ва шеърлар ёзди. Унинг 80 йиллик тўйи муносабати билан чоп этилган китобидан эса тугалланмай қолган «Машраб» романи ўрин олди.

Шуҳрат сўнгги шеърларининг бирида бундай ёзган эди:

Хиёнат қилмадим она юртга ҳеч,
Хушомад қилмадим она юртга ҳеч.
Сохта сўз учмади асло лабимдан,
Нимаки шаънига дебман -- қалбимдан!..
Завқланиб қуйладим,
ёниб қуйладим,
Қувониб қуйладим, қониб қуйладим.

Ижод ва истеъдоднинг ўзига яраша табиати бўлади. Кимдир жамият ва кишилар ҳаётидаги салбий ҳодиса-ю, чиркин иллатларни яхшироқ кўради. Кимдир ҳатто душманларининг ҳам борлигига парво қилмай, бу бир кам дунёдан фақат эзгулик рангларини ахтариб топади. Шуҳрат ижодкорларнинг ана шу иккинчи тоифасига мансуб адиб эди. Унинг айниқса, шеърий ижодига назар ташласак, шоир қалбининг шабнамдек тоза ва тиниқлиги яққол кўринади.

Гўзаллик ҳаётнинг ҳар заррасида,
Сувнинг тош қотиши, қор эришида,
Манглайни шарт қисган қиз дуррасида,
Илк баҳор майсалар ниш уришида.

Халқчиллик ҳар бир ижодкорнинг ўқилиш даражасини белгиловчи мезондир. Халқнинг ҳамма қатламига бирдек манзур бўладиган асарларни ёзиш осон эмас. Халқ дарди билан яшаш, унинг руҳини кўтариш, орзу- армонларини ифодалаш, ўзини унинг бир парчаси деб ҳис қилиш, халққа малоллик қилувчи шаклбозликдан, шеърий тажрибалардан қочиш билан Шуҳрат халқчил шоир мақомига эришди.

Мен энди англадим: бу умр деган
Нишонга отилган битта ўқ экан.
Баъзида тегаркан нишонга бориб,
Қўплари қоларкан йўл узра нолиб! -- деб бошланувчи шеърида тасвирланган икки умр, икки ҳаёт нафақат лирик қаҳрамон, балки зарраси бўлган халққа ҳам тегишли. Бир кишининг ҳаёт ўқи нишонга тегмай, умрнинг зое кетиши ҳеч гап эмас. Аммо, баъзан тарих ғилдирагининг издан чиқиши билан бутун-бутун халқлар ҳам маълум бир даврда сарсон-саргардон бўладилар. Шўро даври шу маънода ўзбек халқига кўплаб фожиалар келтирди.

Шуҳрат гарчанд «Шинелли йиллар» романига қадар катта насрий асарларга қўл урмаган бўлса-да, бир-биридан олис жуғрофий нуқталарда рўй берган ҳодиқаларни, турли-туман миллатларга мансуб кишиларнинг саргузаштларини асар бадиий тўқимасига усталик билан олиб кирди ва бу сюжет чизиқларни ўзаро бирлаштиришда Элмурод образидан ўринли фойдаланди. Элмурод муаллифнинг ушбу романдаги адабий тахаллуси.

Уруш Элмурод ҳаётини иккига ажратиб юборган бўлиб, унинг бир тарафида Муҳаррам қолган. Элмурод унга бўлган севги туйғуларини изҳор этиб улгурмаган. Аммо, шунга қарамай, унинг Рашидга теккани учун Муҳаррамга, Муҳаррамнинг севган ёри бўлгани учун Рашидга нисбатан муносабатида заҳар бор. Шуҳрат турли воқеаларнинг ички мазмунини очиш асосида ана шу заҳарнинг йўқола боришини ва Элмурод ҳаётининг Зебо билан нурлана бошлаган иккинчи бўлагини кўрсатишга алоҳида урғу беради. Элмурод билан Зебонинг, Рашид билан Муҳаррамнинг фожеали муҳаббатини кузатиш орқали ёзувчи «қуёш сели хансираган ўлка»дан олисда кечган урушнинг ўзбек халқи қалбида қолдирган жароҳатларини очиб ташлайди.

Истиқлол тонги

«Олтин зангламас» романига муайян бадиий тажриба билан етиб келган адиб асар марказига романбоп фикр, қаҳрамон ва воқеалар силсиласини олиб чиқди. Асар қаҳрамони Содиқ, Элмуроддан фарқли ўлароқ, яхлит ва курашчан шахс. У ўз эътиқодида собит туради. Аммо, у идеал қаҳрамон эмас. Шуҳрат бадиий ниятини секин-аста юзага чиқара бориб, Содиқнинг ҳалок бўлгунига қадар босиб ўтган йўлини ҳаққоний кўрсатган. У ана шу йўлда ғайрли ният аҳлининг тузоғига илиниб, вафодор хотинидан фарзандсизлиги туфайли ажралади. Лекин, бахт фарзанднинг бор-йўқлиги билан белгиланмаслигини кечикиб бўлса-да, тушунади.

Ҳаёт хайрли ва ғайрли ниятдаги кишилар курашидан иборат. Содиқнинг ҳаёт йўлида учраган Мирсалим унинг фақат оиласини бузишгагина эришмай, уни туҳмат билан қаматади ҳам. Содиқ ўз бошига фалокат тушган ана шу кезларда эътиқодининг пўлатдай мустаҳкамлигини -- олтиннинг зангламаслигини яна бир бор исбот этади.

Оллоҳ берган ҳар бир кундан унумли фойдаланган адиб «Жаннат қидирганлар», «Машраб» романларини ҳам яратди. Қатор қисса ва ҳикоялардан ташқари, «Беш кунлик қуёв», «Қўша қаринглар», «Она қизим» сингари пьесаларини ёзди ва улар ҳанузга қадар республика театрлари томонидан завқ-шавқ билан ўйналиб келинади.

Ўз асарларидан қониқмаслик ҳисси Шуҳрат учун бегона бўлмаган. У ҳатто бир шеърида:

«Доимо беғубор янгради созим,
Баъзида хафаман ўзимдан-ўзим!
Баландроқ пардада қуйласам, дейман,
Нафасим етмасдан пушаймон ейман»,

деб ёзди ва бутун ижоди давомида адабий камолот сари интилди.

Наим КАРИМОВ

ВАТАНДИН АЙРИЛИБ БЎЛМАС...

ЁКИ ЗАРБИ ЗЎР ЙИГИТНИНГ ЎЙЛАРИ ҲАҚИДА

Берлин, минглаб ишқибозларни бағрига олган зал. Қийқирувлар остида ҳакам-ахборотчининг овози янграйди: Рингда -- Бутунжаҳон бокс ассоциациясининг трансконтинентал чемпионлиги учун даъвогарлар, 90 килограммли Фурқат Турсунов (Ўзбекистон), -- Турон Бержи (Руминия).

Дарвоқе, Фурқат ким ўзи?

У Бухоро шаҳрида яшовчи Қочди отанинг спортга меҳр қўйган етти ўғлидан бири, энг истеъдодлиси, 18-мактаб интернатда ўқиди. Ёшлигидан боксга меҳри тушган. Таниқли мураббий ва ҳозирда миллий тоифадаги ҳакам Эркин Камолов қўлида тарбияланган. Икки карра Ўзбекистон чемпиони.

Кўп тенгқурлари рингни тарк эта бошлаган бир пайтда, у «баланд дор»ни ҳавас қилди, профессионал боксни танлади.

Бундан беш йил илгари 25 ёшли Фурқат сайёҳлар қатори Германияга йўл олди. Ҳар кимнинг ўз дунёси бор: биров магазинга югуради, бошқаси ёдгорликларни томоша қилади. Фурқатнинг эса мақсади ўзгача. У профессионал бокс клубларини излади. Франкфурт-Майн яқинидаги Визбаден шаҳрида немис тренерларидан бири унинг қизиқишини англаб, машқ қилишга рухсат беради. Кўришдики, ҳаракатлари маъқул. Икки ҳафтадан кейин у 90 килограмм вазнда ҳаваскорлик бокси бўйича Германия чемпиони -- вазни ўндан 34 килограмм оғир Тим Хоффман билан учрашиб, соф ғалабага эришади. Ҳамма ҳайратда. Ўшанда у бор-йўғи спорт усталигига номзод эди, холос.

Йигитнинг қобилиятини сезган мутахассислар виза муддатини узайтиришди. Лекин профессионал клубга қабул қилишга шошилмадилар. Талаб, синов қаттиқ экан. Рингда барқарор натижа кўрсатганлар саралаб олинарди. Бир йил мобайнида 30та учрашув ўтказиб, 28 марта ғалаба қозонган йигитни профессионаллар таркибига киритишади.

Энди осон бўлмаслиги табиий эди.

-- Ҳар куни 10 километрга югуриш, икки бор тўрт соатдан машқ қилиш, кучли рақиб билан «муштлашиш» керак, -- дейди Фурқат. -- Маҳорат ва жисмоний тайёргарликни мунтазам оширмасанг, узоққа бормайсан. Чидам, ирода, ўзингни енга билишинг керак. Шунда сен ютасан.

Дарҳақиқат, у ютa бошлади. Дастлаб, 1996 йили Бранденбургда чехиялик Конецкийни биринчи раундда ёқ таслим этди, кейин Париж ва Лондонда рингга чиқди. У профессионал боксда 14та учрашув ўтказиб, атиги бир бор енгилди, учтасида кучлар тенг келди, ўн бор қўли баланд бўлиб, шундан 8 тасини нокаут билан ютди.

Март ойи бошидаги сўнгги ғалабаси эса айниқса бошқача бўлди.

Германияда уни кобрага -- кўзойнакли илонга қиёс қилишарди. Боиси, ҳаракатлари кескин ва тез, зарбалари ғафлатда қолдиради. Чапақайлиги ҳам рақиблар учун ноқулай. Яна бир қуроли бор экан -- беллашув олдида ҳарифлар кўнглига ғулғула сола билади. Рингга чиқади-ю, арқонни тутган ҳолда турган ерда сальто ўмбалоқ ошади. Билингки, унда қўрқув, ҳаяжон йўқ, ўзидан кўнгли тўқ. Аммо бир нарсани унутмайди. Чемпионлик учун рингга чиқадиганлар орасида кучсизи йўқ. Унга рўбарў келган румин ҳам илгари мағлубият билмаганлардан. Жуссали, серҳаракат, мускулдор.

Дарвоқе, сўнгги учрашув ҳақида. Дастлаб кураш тенг келди. Фақат учинчи раундга бориб, Фурқат кучли зарба берди. Ҳакам ҳисобни очди. Лекин 8-раундда боксчимиз қарши ҳужум қилган рақибининг хавфли зарбасини ўтказиб юборди. Бурни ёрилиб, юзлари қонга бўялди. Бир муддат гандираклаб қолди. Аммо бутун иродасини ишга солиб, курашни давом эттирди. Ниҳоят, ўн биринчи раундда боксчимиз ишончли усули -- чап қўли билан иякка ён томондан зарба беришга фурсат топа олди. Мўлжал аниқ олинган эди. Жағи синган рақиб гандираклаб, унга суянганича қўлини кўтарди -- нокаут. Муддатидан олдин соф ғалаба! Тренери Детлеф Кум уни маҳкам қучади.

Ишқибозларнинг қийқируви остида бухоролик чарм қўлқоп устасига олтин камар топширилди. Дўппи кийган ғолиб шарафига Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилади. Бундай кезда ҳар қандай даҳшатли оғриқларга қарамай, намланган кўзлардан қувонч ёшлари думалайверади, юрак қинига сиғмайди...

Сир эмас, ғалаба профессионал боксчига яхши даромад келтиради. Айни пайтда спортчи ўзининг кам эмаслигини кўрсатишга интилади. Лекин, яна бир муҳим жиҳати бор. Ҳозирча Берлинда муқим яшаб «Лок-митте» клуби аъзоси бўлган боксчимиз қаерда рингга чиқмасин, у Ватани шарафи, обрў-эътиборини ҳимоя этиш завқидан баҳраманд. Гап эътиқод ҳақида бормоқда. Берлинда Фурқат Турсуновга кўп бор Германия фуқаролигини таклиф қилишибди, кўпдан-кўп бойликлар ваъда этишибди. «Хизматларингизни унутмайман-у, лекин Ўзбекистонни ҳеч нарса билан алмаштирмайман!» Бу унинг гаплари.

Фурқат бундай юксак номга олти бор сазовор Артур Григорян билан Гамбургда тез-тез учрашиб тураркан. Унинг клубида машқлар ўтказади.

Ўзбек боксчисининг нияти катта. У олисни кўзламоқда. 35 ёшгача рингга чиқмоқчи. Бундан ташқари, кейинчалик Бухорода профессионал бокс клубини очиш режаси ҳам бор.

Ҳамюртимиздан профессионал боксчилардан кимга ҳавас қиласиз, деб сўрадим. У кучлилар кўп, Муҳаммад Али, Тайсон... аммо мен америкалик енгилмас Рой Жонсни устун кўяман, деди. Демак, у фақат ғалаба учун курашмоқчи.

Ҳар гал Бухорога келганда, унинг муқаддас тупроғини, ҳаётдан эрта кетган меҳрибон волидаси Раҳима опа қабрини тавоф айлайди, 82 ёшли отасининг дуосини олади. Бу унга куч-қувват, руҳ бағишлайди. Фурқат енгилмайди.

Эркин ЁДГОРОВ

Спорт

БИЛЛУР СОВРИННИ КЎЗЛАБ

Биллур совринни -- Ўзбекистон кубоги учун дастлабки учрашувлар ўтказилди. Ўн олти учрашувдан олтитасида қуйи табақа жамоалари устун келишди. Жумладан, «Шаҳрихон» -- МҲСК (4:2), «Орол» -- «Хоразм» (2:1), «Самарқанд» -- «Косонсой» (2:0), «Лочин» -- «Металлург» (3:0), «Шўрчи» -- «Сурхон» (2:0), «Тўқимачи» -- «Зарафшон» (қўшимча вақтда 2:1) жамоалари дастлабки ғалабага эришдилар. Энг йирик ҳисоб «Чилонзор» ва «Навбаҳор» ўйинида қайд қилинди. Навбаҳорчиларнинг еттита тўпига мезбонлар битта жавоб қайтаришди. Қолган ўйинларда «Сўғдиёна», «Бухоро», «Пахтакор», «Насаф», «Нефтчи», «Дўстлик», «Трактор», «Темирйўлчи» футболчилари муваффақият қозонишди. Фақат битта, «Хива» -- «Андижон» ўйинида ҳисоб очилмади. Такрорий учрашувлар 3 июнь куни ўтказилади.

МАЙДОНДА «ШУНҚОРЛАР»

Пойтахтимизда «Шунқорлар» деб аталган ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди. Тошкент вилояти биринчилигида Бўстонлиқ тумани жамоаси ғалаба қозонди. Иккинчи ўрин паркентликларга насиб этди. Чиноз тумани шунқорлари учинчи ўринни олишди. Ғолибларга «Камолот» жамғармасининг совғалари инъом этилди. Муҳими, шунқорлар баҳси ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний чиниқтиришда аҳамият касб этди.

Жўра МАҲМУД

ЧОВГОН ЎЙНАТИБ

Нишон туманидаги аграр-иқтисодиёт коллежида қадимий спорт тури -- отда хоккей ўйнаш мусобақаси бўлди. Кўпчиликда қизиқиш уйғотган бу баҳсда «Солиқчи» ва «Иқтисодчи» гуруҳлари иштирок этди. Бу жамоалар баҳси 4:1 ҳисобида иқтисодчилар фойдасига ҳал бўлди.

Илҳом КАРОМОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 28.061 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 03

Босишга 22.40. топшириш вақти 21.00. Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қатқиқ ёқилги ишлаб чиқарувчи
«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган
КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

I. Эмитент реквизитлари
1. Тўлиқ номи:
«Ўзэлектркабелсавдо» очиқ акционерлик жамияти улгуржи-савдо-воситачилик фирмаси.
Қисқартирилган номи:
«Ўзэлектркабелсавдо» — ОАЖ»
2. Юридик манзили:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 135.
3. Эмитентнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақти ва рақами:
29 июнь 1994 йил, №85.
4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Очиқ акционерлик жамияти.
5. Фаолият тури: Таъминот.
6. Эмитентнинг ҳисоб рақами: 20210000600127056001 АББ «Трастбанк», Тошкент шаҳри, МФО 00491.
II. Эмитентнинг низом фонди
1. Низом маблағининг умумий ҳажми 10405, 725 сўм.
III. Чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар тўғрисида маълумот
1. Чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар тури — эгасининг номи кўрсатилган оддий акциялар.
2. Акцияларнинг номинал қиймати бўйича умумий суммаси — 10405, 725 сўм.
3. Чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар сони — 63065 дона.
4. Ҳар бир қимматбаҳо қоғознинг номинал қиймати — 165 сўм.
5.Хориж инвесторларига ва эркин савдога 39289 дона чиқарилди.

Давлат савдо-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Гўшт-сут савдо» жамоаси «Наманган гўшт-сут савдо» ишлаб чиқариш корхонасининг раиси Жўрахон Мамадалиевга отаси, уруш қатнашчиси **Мамадали УСМОНБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.